

**ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ВА ИНСОНИЙ ФАЗИЛАТЛАР  
(ШАРҚ МУТАФАККИРИ ФОРОБИЙ ҚАРАШЛАРИ МИСОЛИДА)**

**Муинов Алишер Мусинович**

Чирчиқ ОТҚМБЮ Гуманитар фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6983604>

**Аннотация.** Мазкур мақолада ўрта аср шарқ мутафаккири, файласуф ва энциклопедист олими Абу Наср Форобийнинг педагогик қарашлари кўриб чиқилган. Алломанинг инсон фазилатларига нисбатан қарашлари ҳамда ёш авлодга таълим-тарбия берииш жараёнини ташкиллаштириши бўйича фикрлар ёритилган.

**Калим сўзлар:** фазилат, маърифат, инсонпарвар, дунёни билиш, таълим, тарбия.

**ВОЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ И ЧЕЛОВЕЧЕСКИЕ КАЧЕСТВА**

**(НА ПРИМЕРЕ ВЗГЛЯДОВ ВОСТОЧНОГО МЫСЛИТЕЛЯ ФАРАБИ)**

**Аннотация.** В статье рассматриваются педагогические взгляды крупнейшего представителя средневековой восточной философии, ученого-энциклопедиста Абу Наср Фараби. Охарактеризованы его взгляды на вопросы познавательной деятельности человека, формирования нравственности, а также другие проблемы организации образовательного и воспитательного процесса. Сделан вывод о роли великого мыслителя в духовном прогрессе человечества.

**Ключевые слова:** качества человека, просветитель, гуманист, нравственность, познание, обучение, воспитание.

**MILITARY EDUCATION AND HUMAN QUALITIES**

**(ON THE EXAMPLE OF THE VIEWS OF THE EASTERN THINKER FARABI)**

**Abstract.** This article examines the pedagogical views of the medieval oriental thinker, philosopher and encyclopedist Abu Nasr Farobi. His views on human qualities and the organization of the educational process of the younger generation are discussed.

**Keywords:** qualities of man, enlightened, humane, knowledge of the world, education, upbringing.

**КИРИШ**

Мамлакатимизда ҳарбий соҳада босқичма-босқич олиб борилаётган ислоҳотларнинг пировард мақсади – Қуролли Кучларимиз нафақат инфраструктураларнинг тузилмаси, қурол-яроғ, ҳарбий техника ҳамда миқдор жиҳатдан ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган ҳарбий хизматчилар, балки мамлакат мудофаа қобилиятини белгилаб берувчи муҳим омиллардан бўлмиш шахсий таркибининг таълим-тарбиясига ҳам катта эътибор қаратилмокда. Республикамиз Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ш.М.Мирзиёевнинг “Биз таълим-тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришини ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз” дея тъкидлаган сўзлари бунинг яққол ифодасидир.

Ҳарбий хизматчиларга таълим-тарбия беришда нафақат Мудофаа вазирлиги тизимида қабул қилинган норматив ҳужжатлар, балки миллатимизнинг бой тарихи, шу билан бир қаторда ўтмишда яшаб ижод этган, Ўрта Осиёда Биринчи ва Иккинчи Ренессансга асос солган буюк алломаларимизнинг сўнмас меросларидан ҳам ҳарбий таълим-тарбия жараённада унумли фойдаланишимиз даркор. Бу борада Президентимиз

Ш.М.Мирзиёевнинг “Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улугбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган мұхит ва шароитларни яратишими жаракати” деган сўзлари Қуролли Кучлар сафида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар учун ҳам долзарбди.

### ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ўрта аср ижтимоий-фалсафий фикр тараққиёти мутафаккир Абу Наср Форобий номи билан боғлиқ бўлиб, унинг инсон камолоти ҳақидаги таълимоти таълим-тарбия соҳасида катта аҳамиятга эга. Машхур юонон файласуфи Арастудан кейин Шарқда ўз билими, фикр доирасининг кенглиги билан ном чиқарган Форобий ҳақли равища “муалими соний”, яъни, “иккинчи муалим” номига сазовор бўлган.

Форобийнинг фикрича инсон ижтимоий мавжудот бўлиб, бошқалар билан мулоқотда ижобий ёки салбий хислатларни эгаллади.

Аллома инсоний фазилатларни тўртга бўлади. Булар – назарий фазилатлар, тафаккур фазилатлари, яралма (ҳаёт жараёнида вужудга келувчи) фазилатлар ва амалий санъат (касб) фазилатларидир[1]. Назарий фазилатлар деганда, мутафаккир фикрича, ақл ёрдамида нарса ва ашёлар ҳакида тушунчани ҳосил қилиш назарда тутилади. “Назарий билимлардан ҳосил қилинадиган тушунчалар узоқ ва чуқур тушуниш, текширув, кашф-ижод, таълим олиш ва бошқаларга таълим бериш йўли билан қўлга киритилади”- дейди Форобий.

Фикрий фазилатга келсак, мутафаккир улар ёрдамида фойдали ва гўзал фазилатлар қўлга киритилишини айтади. У айни бир вақтда инсонда туғма хислатнинг мавжуд бўлишини “Фозил одамлар шаҳри” асарида алоҳида таъкидлайди. Назарий, фикрий ва туғма фазилатларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Улар бир-бирини тўлдиради.

Асосий инсоний фазилатларни одам машқ қилиш, иш-ҳаракат, таълим-тарбия, кучли ирова, мashaққатли меҳнат орқали қўлга киритади. Мутафаккир касб-хунар ва санъат инсоннинг туғма фазилати эмаслигини таъкидлайди. “Энди инсоннинг касб-хунар ва санъатдаги фазилатига келсак, - дейди Форобий, – бу фазилат туғма эмасдир, акс ҳолда унинг фикрий фазилатида мутлақо куч ва улуғлик бўлмас эди. ... назарий ва буюк фикрий фазилат, улуғ туғма фазилат ва улуғ (касб-хунар) фазилати, одат-малака бўлиб қолган одамда бу фазилатлар иродани ҳосил қилишнинг ва одамга айлантиришнинг сабаби бўлади”.

Олимнинг фикрича, инсоний фазилатларни эгаллашдан мақсад етук камолот ва баҳт-саодатга эришишдир. “Ҳақиқатда ҳар бир борлиқ ҳеч сўзсиз ўз вужудига ўзига хос бўлган мартаба – энг юксак камолотга эришиш учун борлиқка келган. Инсон учун хос бўлган бу камолотнинг номини энг етук баҳт-саодат деб аталади. Бу баҳт-саодат шу юксак камолотга эришиш йўлида бўлган ҳар турли жузъийларни ўзида бирлаштиради: бу жузъийлар шу энг етук баҳт-саодатга олиб борувчи фазилатли санъат (касб-хунар)лардир.. Халқларни ва шаҳар аҳлларини тарбиялаш учун касб-хунарни эгаллаш ва камолотга эришишга ўз ихтиёрларича ҳавас билан интилган кишилар ҳақиқий фазилат эгалари ва ҳақиқий санъат аҳлларидир,” [2] - дейди мутафаккир.

Аллома дунёқараш тизимининг асосига айланган ва уни ташвишга солган асосий мавзулар инсонни шахс сифатида ривожлантириш, унинг ахлоқини такомиллаштириш, интеллектуал даражасини ошириш ҳамда инсониятни эркинлик ва баҳтга эришиши ҳақида

эди. Форобийнинг фалсафаси эзгуликка, инсоннинг ақл-заковатига чексиз ишонч ғоялари билан сугорилган [3].

Форобий ўз ишларида таълим-тарбияни узвий бирликда олиб бориш ҳақида таълим берган бўлса ҳам, аммо ҳар бирининг инсонни камолга етказишида ўз ўрни ва хусусияти бор эканлигини алоҳида таъкидлайди.

Форобий фикрича инсон камолотга ёлғиз ўзи эриша олмайди. У бошқалар билан алоқада бўлиш, уларнинг кўмагига ёки муносабатларига мухтоҷ бўлади. Унингча тарбия жараёни тажрибали педагог, ўқитувчи томонидан ташкил этилиши мухимdir. Чунки ҳамма одамлар ҳам баҳтни ва нарса-ходисаларни ўзича била олмайди. Унга бунинг учун ўқитувчи лозим.

Бунга Форобий таълим-тарбияни тўғри йўлга қўйиш орқали эришиш мумкин, дейди. Чунки мақсадга мувоғиқ амалга оширилган таълим-тарбия инсонни ҳам ақлий, ҳам ахлоқий жиҳатдан камолга етказади, хусусан, инсон табиат ва жамият қонун-қоидаларини тўғри билиб олади ва ҳаётда тўғри йўл тутади, бошқалар билан тўғри муносабатда бўлади, жамият тартиб-қоидаларига риоя этади.

Форобий таълим ва тарбияга биринчи марта таъриф берган олим саналади: “Таълим бу – инсонга ўқитиши, тушунтириши асосида назарий билим бериш; тарбия эса инсоний фазилатларни, маълум ҳунарни эгаллаш учун зарур бўлган хулқ нормаларини ва амалий малакаларни ўргатишидир” - дейди олим.

Абу Наср Форобий яна айтади: “Таълим деган сўз ҳалқлар ва шаҳарликлар ўртасида назарий фазилатни бирлаштириш, тарбия эса шу ҳалқлар ўртасидаги туғма фазилат ва амалий касб ҳунар фазилатларини бирлаштириш деган сўздир. Таълим фақат сўз ва ўргатиш билангина бўлади. Тарбия эса, амалий иш, тажриба билан, яъни, шу ҳалқ, шу миллатнинг амалий малакаларидан иборат бўлган иш-ҳаракат, касб-ҳунарга берилган бўлиши, ўрганишидир”.

### ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Таълим жараёнида ўқитиши ва тарбиялашнинг ҳам юмшоқ, ҳам қаттиқ усулларидан фойдаланиш мумкин. “Агар тарбияланувчи ўрганиш, ишлаш ва яхши ишлар қилиш истагини намоён қилса, унга юмшоқ усуллар мос келади. Агар бўйсунувчи жаҳлдор, ёмон ниятли, бепарво, инсоғиз бўлса, унда жазолаш усули ўзини оқлади” [4]. Таълим мазмуни, ал-Форобий фикрича, бир томондан, барча фанлар тизимини қамраб олиши керак, яъни, у қомусий билимларга эга бўлиши, иккинчи томондан эса, рационал(мантиқий) ўйналишга эга бўлиши керак. Мутафаккир дунёвий таълим тарафдори сифатида сўз юритиб, фақат телбаларгина энг олий неъмат атрофдаги мавжуд дунёдан ташқарида эканлигига ишонишини таъкидлаган. Одобли ва ахлоқли бўлиш ҳамда салбий иллатларга қарши туриш учун инсон ўзини мукаммал билиши ва ўрганиши керак.

Демак, Форобий таълим-тарбиянинг асосий вазифаси жамият талабларига жавоб берса оладиган ва шу жамият учун хизмат қиладиган етук инсонни тарбиялашдан иборат, деб билади.

### МУҲОКАМА

Дарҳақиқат, буюк файласуф кишиларни одамийлик ва инсонпарварлик чақирди, виждонийлик,adolatлилик, шижаоткорлик, яхшилик ва эзгулик, билимдонлик, қатъийлик, бойликка ружу қўймаслик ва бошқа инсоний фазилатларни эгаллаш ва салбий иллатлардан халос бўлиш усулларини кўрсатди. “Форобий, - деган эди академик

М.Хайруллаев, – таълим-тарбия тўғрисидаги фикрларида ҳам замонасининг энг илғор позициясида турди, у ҳар томонлама етук инсонни тарбиялаш соҳасида қимматли фикрларни олға сурди, таълим-тарбиянинг мақсади ва барча воситалари инсонни баҳт-саодатли қилишга қаратилмоғи лозимлигини бор кучи билан таъкидлади. Шу билан бирга, бу баҳт-саодат инсонлар бирлашмасида, жамоасида амалга ошиши мумкинлигини кўрсатди. У бутун жаҳон миқёсида урушсиз, тинчликка, адолатга, ўзаро хурмат ва ёрдамга асосланган ягона инсоният жамоаси барпо этилишини орзу қилди” [5].

Форобийнинг умуминсоний қадриятлар, ахлоқ ва хулқ-одоб қоидалари илм-фан ва касб хунарни эгаллаш ҳамда бошқа инсоний хислатлар тўғрисида илгари сурган фикрлари ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмасдан келмоқда, улар баркамол авлодни тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

### ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, Форобий педагогик таълимотининг асосида баркамол инсонни тарбиялаш, инсонни ўз моҳияти билан ижтимоий, яъни фақат жамиятда, ўзаро муносабатлар жараённида комилликка эришади, деган фалсафий қараши ётади.

### REFERENCES

1. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.
2. Форобий. Баҳт-саодатга эришув ҳақида. Рисолалар. – Т.: Фан, 1975.
3. Р.Л. Саяхов Ислом маърифатпарварлари ижодида ўзаро хурмат ва бағрикенгликни тарбиялаш. – Уфа: “Полиграфдизайн” нашриёти. - 2014.
4. А.Н. Джуринский Педагогика ва таълим тарихи. – З-нашр, қайта кўриб чиқилган ва кўшимча киритилган. – М.: Юрайт нашриёти, - 2014.
5. Хайруллаев М. Форобий: руҳий жараёнлар ва таълим-тарбия тўғрисида. – Т.: Ўқитувчи, 1967.